

Развивать У Молодежи Чувство Патриотизма Социально-Педагогическая Необходимость

Ф.А.Досумходжаев

Тошкент Давлат Юридик Университетининг Ихтисослаштирилган филиали ўқитувчisi, ЎзПФИТИ мустакил изланувchisi

Аннотация. Ушбу мақолада ватанпарварлик туйгусини ривожлантириш ижтимоий педагогик зарурияти ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, мақолада ёшларни ватанпарварлик туйгусини ривожлантириш муаммосига вазиятли ёндашувни қўллаш алоҳида педагогик аҳамиятга эгалиги баён қилинган.

Таянч сўз ва иборалар: ёшлар, ватанпарварлик, педагогик, миллий манфаат, вазиятли ёндашув, ватанпарварлик туйгуси, ватан бирлиги ва яхлитлиги, шахсларо ижтимоий муносабатлар, ижтимоий мухит.

Резюме. В статье рассматриваются социально педагогическая необходимость развития чувства патриотизма у молодежи. В статье также отмечается, что применение ситуативного подхода к проблеме развития чувства патриотизма у молодежи имеет особое педагогическое значение.

Ключевые слова и фразы: патриотизм, национальный интерес, ситуационный подход, чувство военного патриотизма, принципы, единство и целостность Родины, межличностные социальные отношения, социальная среда.

Хар биримизнинг биримизнинг дилимизда муҳрланиб қолган бир хикмат бор уям бўлса «Ватанни севмоқ – иймондандир». Нима учун имондандир, деб айтилган, чунки иймони бор инсон ҳеч қачон Ватанини сотмайди, уни порлок келажаги учун бор ғайратини ишга солади, керак бўлса жонини ҳам аямайди.

Ватан – бу инсон ва унинг аждодлари туғилиб ўсган маскан, киндик қони тўкилган жой. Ҳозирги кунда баъзи инсонлар Ватан деб номланган буюк неъматни бошқача, ўзгача тушуниб келишмоқда. Уларни тушунчаси бўйича Ватан – бу инсонни яшашига қайси ер маъқул бўлса, ўша ерда қорни тўйса, усти бут бўлса ўша жой Ватан ҳисобланар эмиш. Совет иттифоқи даврида хоҳлаган одамингиздан бу ҳақида сўрасангиз, жавоблар бир хил «менинг Ватаним Совет Иттифоқи», деб жавоб бериларди, ҳатто вилоятларимизнинг энг чекка қишлоғида туғилиб ўсган, бўғча боласи ҳам шу жавобни берар эди.

Мустақиллика эришганимиздан сўнг ҳаммамиз «Ватанимиз Ўзбекистон», дея қўксимизни кенг олиб, дунёга Ўзбекистон деган юрт, мамлакат борлигини, бу юртда дунёнинг ларзага солган буюк инсонлар бўлганлигини, шунингдек ҳозирги кунда ҳам борлигини, келажакда ҳам шундай инсонлар бўлишини барадла айтиб юрибмиз.

Ватанпарвар инсон ким ўзи, у қандай бўлиши лозим, ватанпарвар бўлиш учун нима ишлар қилиши керак, деган саволларга жавоблар турлича бўлиши мумкин. Ватанпарвар инсон деб эгнига ҳарбий либос кийиб, қўлига қурол олиб Ватан ҳимоясида юрган инсонни, елкасига кетмон ташлаб далада меҳнат қилган инсонни, кечаю кундуз китоб ўқиб илм излаган кишини, юз метрдан ошиқ чуқурликдаги ер қаридан қўмир қазиган инсонларни, юрт иқтисодини ривожлантиришга камарбаста бўлган, минглаб иш ўринлари яратиб берган, «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» белгиси билан дунё бозорига чиқиб ном таратишга сабабчи тадбиркорларни қайси бирларини ҳисоблаш мумкин. Агар, юқорида кўрсатилган баъзи ва бошқа касб эгалари ким бўлишларидан ташқари, шу Ватанинг келажаги ва равнақи учун мисқолдек бўлса ҳам ўз ҳиссаларини қўшишса бу инсонлар ўзларини ватанпарвар деб ҳисоблашлари мумкин деб ўйлайман. Шу саволларнинг бирига жавоб деб бир мисол келтириш мумкин. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, биламизки Япония мамлакати жуда мураккаб иқтисодий ва сиёсий ахволга тушиб қолган эди. Ўшанда мамлакат аҳли, ўзлари очлик ва яланғочликдан силласи куриса ҳам, давлат бошқарув органларига бор-бутларини (пул, қимматбаҳо ашёлар ва х.к.) олиб келиб беришган экан. Давлат раҳбарияти халқни бирлаштириб, Ватан равнақи учун меҳнат қилишга бошлилик қилишган, ҳамма бир тану жон бўлиб келажакка ишонч билан қарашган. Давлат, асосан шулар эвазига инқироздан чиқиб кетган ва бугунги Япония мамлакатини яратиб шу кунларга етиб келган.

Шу мамлакатда туғилиб ўсиб яшётган барча инсонлар шу юртнинг ватанпарвари ҳисобланади. Шундай экан, ҳамма ўзини ватанпарвар ҳисобласа, унда замонавий шароитда ватанпарварлик тарбиясини янада юксалтиришнинг долзарб масалалари нималардан иборат бўлиши мумкин, деган савол ҳаммани ўйга солиши маълум.

Ватанпарварликнинг тарбияси албатта оиласдан бошланада, чунки оила ҳам бир кичик мамлакат. Мамлакатни равнақ топиши унинг бошчиси ва халқига боғлиқ бўлгандек, оиласда ҳам шу талаб сақланиб қолган. Халқда бир нақл бор, агар фарзанд яхши бир иш қилса, унга ота-онангта раҳмат, деб рагбатлантирилади. Демак, шу

фарзанд тарбия топган оиласдаги мухит талабга жавоб беради, ота-она фарзандлари түғри йўл кўрсата олган. Агар, ҳар бир ота-она ҳар куни фарзандларини йигиб, ўн-ўн беш дақиқа Ватанни севиш, Ватанга сидқидилдан хизмат қилиш, боболаримизнинг шонли ишларини давом эттиришга даъват қила олса, ушбу оиласда ўрган фарзандлар ҳақиқий ватанпарвар бўлиб ўсади. Фарзанд ўкишда, кўчада ва қолаверса дўстлари орасида иқтисодий ривожланиш йўлидаги баъзи камчиликларимизни эши-тиб, тушуниб қолса, ота-она ўша вақтда, унга бу холатлар вактингчалик эканлигини, тез кунларда бу иллатлар батамом йўқ бўлишини түғри тушунтира олса, бу оиласи, қолаверса фарзандларининг келажақдаги ютуғи ҳисобланади.

Оиласларни жамланмаси бу маҳалла ҳисобланади, шундан келиб чиқиб «Бир фарзандга етти қўшни ота-она» деган нақл факат ўзбек миллатига мансубдир. Мисол учун, илгари, маҳалладаги бир боланинг сигарета чекаёттани кўриб қолинса, уни бу йўлдан, ким бўлишига қарамасдан қайтарилар эди. Боланинг ота-онаси буни эшитса, ўша одамдан миннатдор бўларди. Ўша бола кўркқаниданми ёки ҳурмат қилганиданми, бу ишини қайта тақрорламас эди. Бугун эса бу ҳол бир оз камайганга ўхшайди, ушбу урф-одатимизни янада ривожлантиришимиз олдимиизда турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Чунки, баъзи ота-оналар бунга лоқайд бўлмоқдалар, кези келганда ўша ота-оналарнинг фарзандларини түғри йўлга бошлиётган, қилаётган ишларининг нотўғри эканлигини тушунтираётган инсонлар билан даҳанаки урушларгача боришишмоқда.

Юртимиздаги кўп маҳаллалар янада кўркамлашиб ўзига чирой қўшиб бормоқда. У ерларда бўлаётган ободончиликлар на фақат юртдошлари-мизнинг, балки чет эллардан келаётган меҳмонлар ва сайёҳларни ҳам лол қолдирмоқда.

Юқоридагилар нима учун айтилмоқда, чунки маҳаллада, шу маҳаллада яшовчи барча оиласларни яшаш жараёни бир бошқарув ва назорат остида бўлиши керак. Бу нарса умумий олганда, биз айтаётган, инсонларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг омилларидан бири ҳисобланади.

Виссарион Григориевич Белинскийнинг инсон, аввало, ўз мамлакатининг ўғли, ўз ватанининг фуқароси эканлиги, унинг манфаатларини илиқлик билан қалбига олгани ҳақидаги ажойиб сўзларини айтган.

Ёшларни ватанпарварлик туйғусини янада шакиллантириш асосан ўкув даргоҳларида амалга оширилади. Бу ерда тарбиянинг ўзига яраша турли хусусиятлари мавжуд, улардан, ёшларни ҳаётга қизиқиши муаммоларини ечишга, унга ажратилган бир кунлик вақт ҳам етмайди ва у ҳамма нарсага улгуришга ҳаракат килиб, баъзи асосий йўналишларга юзаки қараб номақбул ишларга кўл уриб қўшиши ҳам мумкин. Баъзида уларга Ватан ва ватанпар-варлик түғрисида сўз бошласангиз, уларга бу сўзларнинг қизиқ бўлмаслиги мумкин, бунака сўзлар «эскилил сарқити» деб ҳисоблайдиганлари ҳам йўқ эмас. Бугунги кунда «Ёшлар иттифоқи» ёшлар ҳаракати мавжуд бўлиб, бу ҳаракатни ёшлар ўртасида тарбиявий ишларни олиб бориш бўйича уларга бир қанча вазифалар белгиланган. Қайси бир даргоҳда ушбу ишлар кўнгилдагидек бўлса ўша жойда тартиб-интизом бўлади ва ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбияси юқори бўлади.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, ун тутилиб борилаётган аждодларимиздан қолган ўзбек миллатига ва ҳалқига мансуб урф-одатларимиз, қадрияларимиз ва тарихимизни унутмаган ҳолда, балки уларни ривожлантириш билан, замон талабларидан келиб чиқиб, нафакат ёшлар ўртасида, балки юртдошларимизнинг барча табакалари даражасида ватанпарварлик тарбиясини янада юксалтиришимиз керак.

References

- [1]. Mirziyoyev Sh. Speech of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev at the enlarged meeting "Our Armed Forces are a strong guarantee of stability and development of our country" // "People's speech", T 2018 №6 (6964) 1-p.
- [2]. Gasenov Z.T.Osnovnyy napravleniya deyatelnosti nauchnoy shkoly "Potrioticeskoe vospitaniya grazhdan Rossiyskoy Federatsii" / Izvestiya Dagestanskogo gosudarstvennyy pedagogicheskogo universiteta. Psycho-pedagogical science. №2, 2009.-S.11-19.
- [3]. Shakirov Sh. Ideologicheskiy immunitet kak professionalnoe kachestvo voennoslujashchix. Society and Innovations 1 (1 / s), 490-495-b. <https://inscience.uz/index.php/socinov/index>.
- [4]. Akramova Sh. Current issues of educating young people in the spirit of military patriotism. T. "Spirituality": 2018-7-p.
- [5]. Law of the Republic of Uzbekistan No. ZRU-458 of January 9, 2018 "On the Defense Doctrine of the Republic of Uzbekistan" // Information and search system of the legislation of the Republic of Uzbekistan, 2017, Article 40.